O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 4-mart • Payshanba • 27 (30.147) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП ҳаёти

Келажак авлод тарбиясига эътибор

Автобусда уйга қайтаётгандим. Замонавий кийинган, сочлари калта кесилган бир аёл икки нафар боласи билан олдинги ўриндиққа жойлашди. Болаларнинг бири етти, бири тўрт ёшларда. Улар бироздан сўнг тўполон бошлади. Онаси тергаса ҳам қулоқ солмасди. Улар автобусдан тушгач, ёнимдаги онахон: — «Эсиз, ўзига қарашни биларкан-у, болаларига тарбия беришни билмас экан», — деб қўйди...

Куни кеча ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан бўлиб ўтган «Баркамол авлод тарбиясида аёлнинг ўрни ва аҳамияти» мавзуидаги тадбирда ҳам юқоридаги фикрлар алоҳида таъкидланди. ЎзХДП МК аъзолари, Тошкент вилоят ва Зангиота туман партия кенгашлари раислари, партия фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокидаги мазкур тадбирда мавзу юзасидан атрофлича мулоҳаза юритилди.

— Фарзандга берилган баҳо, бу энг аввало ота-онага берилган баҳодир, — дейди ЎзХДП МК раиси ўринбосари Мухтасар Абдураҳмонова. — Фарзанд тарбиясида она ва унинг соғлом фикрлилиги алоҳида ўрин тутади. Шу мақсадда ЎзХДП ташкилотлари аёлларнинг аввало соғлом фикрлашини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида кўплаб тадбирларни амалга оширмоқда. Бугун кўтарилган масала, аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласида юзага келаётган муаммолар бўйича ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракциясига таклиф билан чиқишни мақсад қилганмиз.

— Фарзанд яхши инсон бўлиб вояга етиши учун аввало оилада муҳит соғлом бўлиши керак, — дейди Республика «Оила» илмий-амалий маркази илмий ходими Наргизахон Хонқулова. — Жамиятимизда етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмаган кўплаб ёш оилалар бор. Ҳаётнинг пастбаландини кўрмаган ота-она фарзандини қандай тарбиялайди? Қандай қилиб унга ибрат бўлади? Марказимиз ходимлари билан шу каби масалалар юзасидан жойларда турли учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиб бораяпмиз.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комила Каромова, Тошкент вилоят партия кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассиси Феруза Раҳматуллаева ва бошқалар ҳам мавзуга доир фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирнинг иккинчи қисмида иштирокчилар гуруҳларда интерфаол усулда баҳс-мунозара юритишди. Унда ишлаб чиқилган таклифлар асосида вазифалар белгилаб олинди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

XXI аср — интеллектуал бойлик асри

Инновацион ғоялар — тараққиёт асоси

1-3 март кунлари «Ўзэкспомарказ»да инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси бўлиб ўтди.

Учинчи бор ўтказилаётган ярмарканинг дастлабки куниданоқ унинг олдингиларидан фарқи яққол сезилди. Бу — табиий. Чунки олдинги ярмаркалар — ғоялар бозори фаолиятининг натижаси манфаатдор ташкилотлар, корхоналар ва одамлар кўз ўнгида ўзини яққол кўрсатди. Шунинг учун ҳам навбатдаги ярмаркада умумий қиймати 3,2 миллиард сўмдан ортиқ 130га яқин шартнома имзоланди.

2-бет »

Ёш етакчилар

2

Иқтисодий юксалишнинг мустаҳкам омили

3

Бузғунчилик

4

✔ *2010 йилда маҳаллий банкларнинг жами капиталини 20 фоизга, яқин икки йилда эса унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳажмини 10 фоизга етказиш режалаштирилган.*

Муносабат

РАҒБАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Президентимизнинг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини ўқиб, бир ижодкор, қолаверса, уюшма аъзоси сифатида: «Шундай эътиборга муносиб ижод қиляпмизми? Шиддатли замон ўртага қўяётган долзарб муаммоларни англаш, салмоқли асарлар, замондошлар образини яратиш қўлимиздан келяптими?» — деган ўйлар кўнглимдан ўтди.

Бадиий адабиёт вакилларининг ижодий кайфияти, турмуш даражаси, фаолият қамрови ҳамиша мамлакатимиз раҳбари диққат марказида тургани айни ҳақиқатдир. У киши доимо вақт ажратиб адабиётимиз ва унинг намояндаларини эзозлаб келмоқда. Бу ҳақиқат Юртбошимизнинг **«Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор»** рисоласида ҳам ўз аксини топган.

Қарор Ёзувчилар уюшмасининг нуфузини оширишга қаратилган, у имтиёз ва ғамхўрликлар билан бирга, биз ижодкорлар олдига долзарб вазифалар қўяди. Бу эса қуйидагиларда намоён бўлади. Ижодкорнинг фуқаролик позицияси, бурчи, нафақат бугунги кунга, балки истиқболга ҳам тийрак нигоҳ билан қарай билиши, замонамиз қаҳрамонларини, мустақиллик даврининг адабиётини яратиш каби масалалардир.

Шунингдек, қарорда адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кекса авлодга мансуб уюшма аъзоларига аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш баробарида ёш истеъдод эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ечимлар механизми ғоят реал ва ҳаётий тарзда белгилаб берилган.

Буюк шоир Чўлпон ўтган аср бошида **«Адабиёт яшаса, миллат яшайди!»** деган эди.

Аждодларимиздан қолган маънавий меросдан куч олиб, адабиёт янгиланмоқда. Президентимиз қароридан келиб чиқадиган вазифа юксак бадиий асарлар яратиб, халқимиз маънавий хазинасини бойитиш орқали юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишдир.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир.

1 САВОЛГА ЖАВОБ

Электоратни ташвишлантираётган муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этишда БПТнинг ўрни қандай бўлиши керак?

Муяссар ОРИПОВА,
Зангиота туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги бошланғич партия ташкилоти раиси

— Бошланғич ташкилот — партиянинг асосий таянчи ва суянчи. У партиянинг юқори ташкилотларидан кўра халққа, электоратга анча яқин. Шунинг учун электорат муаммоларини ўрганишда унинг имконияти катта.

Бошланғич партия ташкилоти ўз вазифасини тўлақонли ўташи учун биринчи навбатда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиши лозим:

— жамоатчилик фикрини ўрганиш;

— мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш бўйича ўз таклифларини ҳудудий партия ташкилотларига етказиш;

— бу муаммоларга партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар ва жамоатчилик эътиборини қаратиш.

Қолаверса, бошланғич ташкилот партия ғоялари ва дастурий мақсадларини фуқаролар орасида кенг тарғиб этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун ва қарорлар ижроси бўйича жамоатчилик назоратини ташкил қилиши лозим. Энг муҳими, у электорат билан иш олиб боришда замонавий усуллардан, сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиши зарур. Бошланғич партия ташкилоти ҳамиша электорат билан бирга бўлиши, унга ҳамнафас, ҳамдард бўлиши, унинг оғирини енгил қилишга кўмак бериши лозим. Шундагина у электоратнинг асосий ҳимоячиси, партиянинг мустаҳкам таянчига айланади.

Марказий Осиё минтақасидаги гигант ГЭСлар лойиҳалари миллионлаб одамлар хавфсизлигига таҳдид солади



2-бет

Дунё бўйлаб



4 март об-ҳавоси

Лондон	8°C
Париж	7°C
Москва	-3°C
Мадрид	15°C
Пекин	3°C
Гонгконг	29°C
Рим	14°C
Анқара	10°C
Токио	9°C
Стокгольм	-6°C
Кейптаун	34°C
Қоҳира	26°C
Гавана	21°C
Вашингтон	4°C
Нью Йорк	5°C

Юртимизда

Тошкент	10°C
Самарқанд	9°C
Нукус	7°C
Қарши	11°C
Урганч	7°C
Навоий	8°C
Фарғона	9°C
Бухоро	8°C
Андижон	9°C
Наманган	9°C
Термиз	12°C
Жиззах	8°C
Сирдарё	8°C
Тошкент вил.	10°C

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Чет эл матбуоти шарҳи

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ГИГАНТ ГЭСЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ МИЛЛИОНЛАБ ОДАМЛАР ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛАДИ

Марказий Осиё мамлакатларида йирик гидроэнергетика иншоотларини қуриш лойиҳалари, уларнинг шошма-шошарлик билан амалга оширилиши келтириб чиқарадиган оқибатлар бу масалага холисона ёндашадиган барча соғлом фикрли кишиларни ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Ўзбекистон бундай лойиҳаларнинг минтақадаги экология ва сув мувозанатига таъсири, шунингдек, техноген фалокатлар таҳдидларини келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги хусусидаги принципиал масалани қатъий қўймоқда.

Бугун ушбу фикрни дунёнинг турли мамлакатларидаги кўплаб мустақил экспертлар ҳам қўллаб-қувватламоқдалар. Масалан, МДҲ мамлакатлари институтининг Бишкек филиали директори, тарих фанлари доктори, профессор, Рус география жамиятининг ҳақиқий аъзоси Александр Князев қаламига мансуб, қатор Интернет-нашрларда эълон қилинган «Ҳақиқат эмас, афсона: Ўрта Осиёдаги мега-ГЭС тақдири номаълумлигича қолмоқда» сарлавҳали мақолада ушбу муаммо бу борадаги ишларнинг ҳақиқий аҳволи нуқтаи назаридан чуқур ҳамда батафсил таҳлил қилинган.

Шуни қайд этиш керакки, мақолада баён этилган фикрлар муаллифнинг тахминларга асосланган қараши эмас ва уни кимнингдир манфаатларини ҳимоя қилаётганликда айблаб бўлмайди.

Муаллиф ҳақли равишда Амударё ва Сирдарё Марказий Осиё давлатлари фаровонлигини ва уларни сув билан таъминлайдиган яхлит манба эканини таъкидлайди. Шу билан бирга, олим Ўзбекистоннинг трансчегаравий Сирдарё ва Амударё сувидан фойдаланиш соҳасидаги манфаатлари ушбу дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан етарли даражада инобатга олинмаётганини қайд этган. «Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари томонидан гидротехник иншоотлар қурилишининг амалга оширилиши биринчи навбатда, Ўзбекистон, шунингдек, Қозоғистон ва Туркманистон хавфсизлигига катта таҳдид солаётгани ҳақида гапиришга мажбур этмоқда», деб ёзади А.Князев.

Айни пайтда эксперт қуйидагиларга эътибор қаратади: «бу каби объектларни қуришни тартибга соладиган қатъий халқаро нормалар мавжуд бўлса-да, улар ушбу дарёлар юқори қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан инкор этилмоқда. Бироқ, Қирғизистон ҳам, Тожикистон ҳам ушбу соҳага оид бирон-бир халқаро конвенцияни имзоламаган. Бунда гап, масалан, Россия 1996 йилнинг октябридан буён бажариб келаётган Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция (Хельсинки, 1992 йил 17 март), Кема юрмайдиган халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция (Нью-Йорк, 1997 йил 21 май) ва бошқа кўплаб ҳужжатлар ҳақида бормоқда. Аммо, ўз миллий манфаатларини худбинларча ҳимоя қилишдан бошқа нарсани тушунишни истамаётган ва ўз иқтисодиётини қутқаришнинг бирдан бир чораси сифатида ГЭС лойиҳаларига ёпишиб олган мазкур икки республика бу лойиҳаларни кўпроқ қарз олиш ҳамда ташқи инвесторлар ёрдамига тинимсиз кўз тиккан ҳолда, ярим кўлбола усулда амалга оширишни ўжарлик билан талаб қилмоқда».

Шунингдек, эксперт ҳудудида трансчегара сув оқимлари ҳосил бўладиган мамлакат уларни ўз билганича тасарруф қилиши ҳақидаги фикрнинг бемаънилигини, дарёларнинг қай бири ички, қай бири ташқи экани хусусидаги баҳсларнинг асоссизлигини қайд этади.

«Норин-Сирдарё ва Амударёдан Вахшни ажратиб бўлмаслиги ва улар айнан трансчегара сув оқимлари эканини ҳисобга оладиган бўлсак (бунинг учун харитага қарашни ўзи кифоя), Қирғизистон Қамбарота ГЭСини Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг розилигисиз қуришга мутлақо ҳақли эмас. Тожикистоннинг эса трансчегара дарё оқими бўйлаб жойлашган нафақат Ўзбекистон ва Қозоғистон, балки унинг қуйи қисмидаги Туркманистоннинг ҳам розилигисиз ГЭС қуришга ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Вахш ички дарё экани ҳақида қанчалик кўп гапирилмасин, у Амударёнинг асосий ирмоқларидан биридир ва шу боис мазкур ҳолатда трансчегара дарёлардан фойдаланиш бўйича барча халқаро принципларга риоя этилиши шарт», деб таъкидлайди А.Князев.

«Роғун ГЭСидаги ҳозирги аҳволни Қирғизистон ҳам «ўз кучи» билан қураётган 2-Қамбарота ГЭСи атрофида рўй бераётган вазият билан таққослаш қийин эмас. Ушбу ҳар икки қурилиш, қаттиқ талабдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, аввало ўз халқига, қолаверса қўшни мамлакатларга қарши қаратилган жиноятдан ўзга нарса эмас. Бу қурилишлар сифати зарур талабларга асло мос келмайди — барпо этилаётган 2-Қамбарота ГЭСи тўғони бунга яққол мисолдир. Ўтган йилнинг декабрида қирғизистонлик гидроқурувчилар ўзларича тупроқни кўчириш учун ноёб портлатиш ишларини амалга оширган бўлсалар-да, кутилган натижаларга эриша олмадилар. Тўпланган тупроқ уюми лойиҳада кўзда тутилган баландликка етмагани, портлатиш ишларида йўл қўйилган хатолар натижасида кўплаб бўшлиқлар пайдо бўлгани ва ҳозир улар ташқаридан тупроқ олиб келиш йўли билан қўлбола усулда тўлдирилаётгани хусусида умуман гапирмаса ҳам бўлади. Демак, бундай иншоотнинг хавфсизлиги ҳақида умуман гапиришнинг ҳожати йўқ», деб қатъий таъкидлайди мақола муаллифи.

Олим ҳозир фаолият кўрсатаётган гидроэнергетика иншоотларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш масаласи мутахассислар томонидан бир неча бор кўтарилганини қайд этади: «СССРдан Тожикистонга мерос бўлиб қолган Нурек ГЭСи, Қирғизистонга мерос бўлиб қолган Тўхтағул ГЭСи ва уларнинг сув омборларини тартибга солишнинг ўзи долзарб масала эмасми? Ҳар икки ҳолатда ҳам, ушбу сув омборларига сувнинг кам тўпланиши, объектив сабаблардан ташқари, собиқ совет давридан буён ҳеч ким ушбу станцияларда жиддий профилактика ишлари олиб бормагани, уларни модернизация қилиш билан жиддий шуғулланмаётгани, сув омборларини лойқа босиб қолиши йўл қўйиладиган барча меъёрлардан ошиб кетаётгани билан боғлиқдир. Яқинда Нурек ГЭСида рўй берган авария катта талафотларга олиб келмаган бўлса-да, бу авария Тожикистон учун ҳам, Қирғизистон учун ҳам ниҳоятда жиддий хатар қўнғироғидир».

А.Князев ушбу муаммоларни назарда тутган ҳолда, шундай деб ёзади: «Шунинг учун ўзаро келишиб иш тутмоқ лозим. Акс ҳолда, Ўзбекистоннинг Роғун ва Қамбарота ГЭСларининг ишини, агар улардан бирортаси қурилса ҳам, қатто ҳарбий йўл билан бўлса-да, тўхтатиб қўйишига ҳеч нарса монелик қила олмайди. Ўзбекистон раҳбарияти бундай ҳаракатлар билан нафақат ўзининг ўн миллионлаб аҳолисини, балки Қамбарота лойиҳалари таъсир доирасида жойлашган Қирғизистоннинг Фарғона водийсидаги уч вилояти (Ўш, Жалолобод ва Боткен) ва Тожикистоннинг бир вилояти (Сўғд) аҳолисининг ҳам хавфсизлигини таъминласа, у ҳар томонлама ҳақ бўлиб чиқади».

«Сув миқдори камайиб, тақчиллиги ортиб бораётган бир пайтда янги тўғонларни қуриш, жиддий ўрганиб чиқмасдан туриб улардан энергетика мақсадларида фойдаланиш сув баланси ҳамда барқарор ривожланиш борасида ўта салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳақида қатъий фикрга келиш мумкин», деб ёзади А.Князев.

Эксперт мамлакат манфаатларига ва аҳолиси хавфсизлигига риоя қилиш бўйича Ўзбекистон илгари сураётган талабларни мутлақо тўғри ва ҳақли, деб ҳисоблайди.

«Ҳар бир мамлакат албатта ўз миллий манфаатларини кўзлайди, шу сабабли бу борадаги бирдан-бир тўғри йўл — томонларнинг муросага келиши, бир-бирига ён беришидир. Ўзбекистоннинг бу борадаги позициясини дўқ-пўписа, деб қабул қилмаслик керак, балки унинг юзага келган ҳолатдан жиддий ташвишланаётганини тўғри тушуниш лозим. Ўзбекистон раҳбарияти қайд этилган ҳар икки лойиҳада Ўзбекистон Республикаси манфаатлари ҳисобга олинмас экан, ҳам Тожикистон, ҳам Қирғизистонга қарши ҳозирданоқ энг қатъий чораларни қўллаш ҳақида ўйлашга мутлақо ҳақлидир. Бунда тўғонларнинг қизиққонлик билан муҳокама этилаётган баландлиги, бошқа жиҳатлари эмас (бу масаланинг майда тафсилотларидир), балки уларнинг сифати, сув омборларининг йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳажмининг илмий асосланганлиги, энг муҳими — ушбу иншоотларнинг мустаҳкамлик даражаси, хавфсизлик билан боғлиқ барча жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш керак деганидир».

Муаллиф ўз мақоласида россиялик ҳамкасбларининг мазкур лойиҳалар борасида «асоссиз, энергетика ресурсларидан саводсизларча фойдаланиш, самарадорликнинг пастлиги, қўлланилаётган технологиялар, малакали муҳандис ва ишчи кадрларнинг қолоқлиги (йўқлиги)»ни эътироф этаётганини ҳам келтиради.

Ва нихоят, бундай йирик гидроэнергетика иншоотлари қурилиши ташаббускорларининг энг сўнгги асоси, яъни ушбу иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш натижасида олинадиган катта иқтисодий фойда ҳақидаги тахминлари олимлар томонидан шубҳа остига олинмоқда.

Муаллиф ушбу лойиҳаларнинг ўзини қоплаши ҳақидаги гапларни холисона таҳлил қилар экан, «...гигант-лойиҳаларнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ҳам жуда шубҳали», деб ёзади.

Бунда олим аҳолини электр энергияси билан таъминлаш учун Қирғизистонда ҳам, Тожикистонда ҳам кичик ГЭС тармоқларини қуриш самарали, иқтисодий жиҳатдан манфаатли ва хавфсиздир деган қатъий хулосага келади.

Муаллиф юқорида қайд этилган лойиҳаларнинг бўлажак ташқи иштирокчилари ҳақида гапирар экан, шундай деб огоҳлантиради: «Хитой томони бир неча йил муқаддам Тожикистонда Роғун ва Қамбаротага ўхшаш, аммо нисбатан кичик Зарафшон ГЭСи қурилиши бўйича лойиҳани минтақадаги етакчи мамлакат — Ўзбекистон билан келиб чиқиши мумкин бўлган можаро ёмон оқибатларга олиб келишини англаган ҳолда, тезлик билан тўхтатиб қўйганини эсга олиш кифоя. Яқинда Қирғизистоннинг гидроэнергетика лойиҳаларида иштирок этиш ҳақидаги таклифлари ҳам Хитойда қўллаб-қувватланмади».

Шу муносабат билан А.Князев ҳақли равишда таъкидлайди: «табиийки, Россиянинг хориждаги гидроэнергетика бўйича фаоллиги, Қирғизистон ва Тожикистондаги лойиҳаларда бўлгани каби, минтақавий зиддиятлар манбаига айланмаслиги лозим ва бундай ҳолат юз бериши эҳтимолдан холи эмас».

Чоп этилган мақоладаги ҳамма фикрларни ҳам тўғри, дейиш қийин, албатта. Олимнинг барча таклиф ва хулосаларига ҳам, хусусан, сув-энергетика консорциумини ташкил этиш бўйича кўп маротаба муваффақиятсиз муҳокама этилаётган масала юзасидан билдирган фикрларига қўшилиб бўлмайди. Бироқ, А.Князевнинг муаммо жиддийлигини, Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатларида яшаётган миллионлаб одамлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган катта хавф борасидаги ташвишини англаб етгани ниҳоятда муҳимдир.

О.РАЖАБОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ЎзХДП ҳаёти

Ёш етакчиларни тайёрлаш

муҳим вазифамиз

Қашқадарё вилоят партия кенгаши сиёсий семинарида «Баркамол авлод йилида Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг ўрни, роли ва вазифалари» мавзуи муҳокама этилди.

Унда вилоят партия кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, Қарши шаҳар ва туман кенгашлари етакчилари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари раислари, партия фаоллари иштирок этди.

— Маълумки, бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига вилоятдан 4 нафар, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига 22 нафар ҳамда халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлигига 191 нафар депутат сайланди, — деди вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Олим Равшанов. — Улар ҳозир вилоятдаги мавжуд қишлоқ ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурларини ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ишчи гуруҳи таркибига киритилган ва жойларда бир қатор амалий ишлар олиб бормоқдалар. Шунингдек, ушбу катта кучдан биз Баркамол авлод йилидаги вазифаларимизни бажаришда самарали фойдаланишимиз зарур.

— Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга жуда катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Қарши туман партия кенгаши раиси Замира Азизова. — Биздан эса униб-ўсиб келаётган авлоднинг сиёсий онги, фаоллигини ошириш, лидерлик қобилиятини тарбиялаш борасидаги ишларимизни такомиллаштиришимиз талаб этилмоқда.

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон врачлар ассоциацияси вилоят бўлими бошлиғи Акрам Акбаров, Кўкаламзорлаштириш хусусий корхонаси раҳбари Озод Умиров, Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Умида Ғозиева, Деҳқонобод туман партия кенгаши раиси Ашур Норбоев ва бошқалар ҳам мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Музаффар ТУРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Инновацион ғоялар — тараққиёт асоси

1-3 март кунлари «Ўзэкспомарказ»да инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси бўлиб ўтди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти доценти Ҳабибулло Ҳайдаров тўқимачилик корхоналарида ип ишлаб чиқаришда чиқитни камайтириш, айни пайтда маҳсулот сифатини ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилувчи технология яратилганини ва бу усул Поп туманидаги «Оқ олтин» қўшма корхонасида синов тариқасида қўллана бошланганини айтади.

Марғилондаги табиий толалар илмий тадқиқот институти маркетинг бўлими бошлиғи Элёр Абдуллаев пилладан ипак тола олиш ускунаси тузилишини тушунтираяпти.

— Бу ускуна уй шароитида ишлатилади, — дейди у. — Пилла етиштирувчи оила аъзолари қўшимча иш билан таъминланади, толани пилла хомашёсига нисбатан икки баробар қимматга сотиш мумкин.

Тошкент давлат техника университети аспиранти Эркин Неъматовнинг олдида ҳам одам гавжум — бир гуруҳ ёш олимлар яратган қишлоқ ва шаҳар шароитида қўлланиладиган юк ташишга мўлжалланган уч ғилдиракли велосипед кўпчиликни қизиқтирди. Бу мини-транспортнинг узатма ва планетар механизмларидаги янгиликлар туфайли бемалол икки юз килограммгача юк ташиш мумкин.

— Чиқиндилардан экологик тоза қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш борасидаги илмий ишланмаларимизни намойиш этяпмиз, — дейди университетнинг атроф-муҳит муҳофазаси кафедраси профессори Бахтиёр Муҳаммадғаниев.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳам ёшлар ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловнинг «Информацион технологиялар, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар» номинацияси ғолиблари ишларини тақдим этаяпти.

Улар орасида пишиқ ғишт ишлаб чиқариш мини-технологиясидан тортиб қуёш батареясида ишлайдиган иссиқхона, соғлиқни сақлаш тизимида электрон бошқариш дастури, ахборот-ресурс марказини автоматлаштириш ғояларигача бор.

Сирасини айтганда, ярмаркада фақат инновацион ғоялар, технология ва лойиҳаларни тақдим қилаётганларгина эмас, балки бундай ишланмаларга, янгиликларга эҳтиёжмандлар ҳам иштирок этяпти.

— Ишлаб чиқаришимизни ривожлантириш, электр қувватини тежаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни яхшилашга хизмат қиладиган ўн иккита мавзу билан келдик, — дейди «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғининг техник бошқарув бўйича ўринбосари Комил Жамилов. — Металлни қайта ишлаш жараёнида чиқинди — шлак ҳосил бўлади. Корхонамиз ҳудудида минг тонналаб ана шундай чиқинди тўпланган. Ундан қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконини берадиган технологияларни яратиш истагидаги олимлар билан ҳамкорлик қилишга, фаолиятини молиялаштиришга тайёрмиз.

Бўка туманидаги «Саркор» фермер хўжалиги раҳбари Жўрабой Шокиров ярмарканинг биринчи куниданоқ «Ўзэкспомарказга» келди. Замонавий деҳқон ярмаркадан ўзи учун фойдали бирор янгилик олишига ишончи комил.

Гап шундаки, у бундан уч йил муқаддам Тошкент давлат аграр университетининг пахта ва буғдой етиштирувчи фермер хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш лойиҳасини ўз хўжалигида қўллай бошлаган эди. Университет олимлари ва талабаларнинг илмий ишланмалари ҳаётда исботини топди — чорвачиликни ривожлантириш ҳисобига у органик ўғитлар билан ерларнинг ҳосилдорлигини оширишга эришди. Айни пайтда оралиқ экинлар, беда, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириб, нафақат оиласини, бозорни ҳам гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшяпти.

— Ғоялар учун эҳтиёжни ҳаётнинг ўзи юзага чиқаради, — дейди Жўрабой Шокиров. — Бу эҳтиёжни ўрганиш, таклифлар беришда эса мана бундай тадбирлар катта аҳамият касб этади.

Яна бир муҳим жиҳат — юқорида тилга олинган лойиҳа давлат гранти асосида молиялаштирилган.

Ушбу лойиҳа муаллифларидан бири — университет профессори Убайдулла Носиров шундай дейди:

— Ўзаро муносабатлар давомида фермер ва илмий ташкилот, интеллектуал мулк эгаси ўртасида боғловчи восита лозимлигини ҳис этдик. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси тизимида лойиҳаларни жорий этиш билан шуғулланувчи бўлимлар очилса, биз учун ҳам, илмий салоҳиятимиздан фойдаланувчилар учун ҳам қулай бўлади, деб ўйлайман.

Интеллектуал мулкни бошқариш, инновацион фаолиятни жадаллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, инновацион ғоя, технологияларни танлаш ва таҳлил қилиш, уларни бозорга чиқишга, жорий этишга тайёрлашга масъул ташкилот — иқтисодиёт вазирлиги тизимидаги технологиялар трансфери бўйича агентлик директори ўринбосари Анвар Иброҳимовнинг ҳам бу борада ўз қарашлари бор.

— Интеллектуал мулкдан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий майдон такомиллаштирилиши керак. Фаолиятимиз жараёнида бу соҳада ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкам эмаслиги сезиляпти, — дейди у.

Ҳа, ғоялар бозорининг ўзида ана шу бозорни фаоллаштириш, интеллектуал салоҳиятдан унумли фойдаланиш бўйича ҳам янги-янги ғоялар туғилаяпти.

...Етмиш етти сантиметрлик ҳасса бор-йўғи уч юз грамм оғирликка эга. У кекса ва бемор инсонларнинг бемалол ҳаракатланишига ёрдам беради. Ҳасса тутқичида аптечка, радиоприёмник ва эшитиш мосламаси жойлашган. Шунингдек, ҳассага сирена ўрнатилиб, у «SOS» тугмачасига уланган. Эҳтиёж туғилганда, масалан, йиқилиб тушганда ёки касаллик хуруж қилганида ҳассанинг эгаси милицияга, «Тез ёрдам»га осонгина сигнал юбориши мумкин — ҳассанинг ушбу хизматлар пультига улаб қўйилгани ана шундай имкониятни беради.

— Қойил! — томошабинлардан бири ҳайратини яширолмади. — Касал бувим бор, унга шундай ҳасса жуда асқотади...

Ярмаркада намойиш этилган, энг муҳим соҳаларни ўз ичига олган 14 йўналиш бўйича энг яхши лойиҳалар танлови ғолиблари тақдирланди.

Ярмарканинг ёпилиш ва лойиҳалар танлови ғолибларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов сўзга чиқди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

Иқтисодий юксалишнинг мустаҳкам омили

Мамлакатимиз банк-молия тизимининг барқарорлиги иқтисодиётни изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда

Банклар иқтисодиёт самарали ривожланишининг муҳим механизмларидан. Барча соҳаларнинг банклар томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорликнинг муҳим шартидир. Банк тизими мустаҳкамлигини таъминлаш, фаолиятини иқтисодий ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда ташкил этиш иқтисодиёт ривожида муҳим ўрин тутади.

Дунё мамлакатлари иқтисодиётини жиддий синовдан ўтказган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дастлаб банкларнинг ипотека кредитларини беришда йўл қўйган хатоси туфайли бошлангани ҳам тизимда барқарорликни таъминлаш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканидан далолатдир. Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, тижорат банкларининг иш самарадорлигини, капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигида молия-банк тизимининг роли ва аҳамияти катта бўлгани алоҳида таъкидланди. Жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимизга таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда мазкур молия институтлари муҳим ўрин тутаётир. Мамлакатимиз банк тизими халқаро талабларга жавоб берадиган қатор норматив-лар бўйича мустаҳкам мавқега эга эканини 14 тижорат банкимиз нуфузли халқаро рейтинг компаниялари – «Moody»s», «Standard & Poor»s» ва «Fitch ratings»нинг «барқарор» юқори рейтинг баҳосини олгани ҳам тасдиқлайди.

Сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди. Бунда банк тизимини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган, узоқни кўзлаб амалга оширилган сиёсат ўз натижаларини берди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 15 апрелда қабул қилинган «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш учун кенг шарт-шароит яратишга доир қатор фармон ва қарорлари банк секторини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг яхлит дастурини амалга ошириш имконини берди. Тижорат банкларида накд ва накдсиз пул муомаласи ҳамда ҳисоб-китобларни унификацияланган шаклда ташкил этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи кредит тизимини йўлга қўйиш, истиқболли лойиҳаларни молиялашни кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар айниқса глобал иқтисодий инқироз шароитида ўзини тўла оқлади. Ўтган йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.

Шу ўринда Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги фармони асосида ташкил этилган «Микрокредитбанк» томонидан тақдим этилаётган ҳар томонлама қулай ва жозибадор ставкалар бўйича микрокредит бериш тизими тадбиркорлик ва хусусий секторни ривожлантиришда кучли рағбатлантирувчи омил бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Мамлакатимизда 2010 йилгача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурининг салмоқли қисми «Микрокредитбанк»нинг молиявий қўллаб-қувватлаши туфайли бажарилди. Мазкур дастур асосида шу кунгача ташкил этилган иш ўринларининг камида учдан икки қисми мазкур банк томонидан молиялаштирилди.

«Микрокредитбанк» матбуот хизматидан маълум қилишларича, банк томонидан 2009 йилда тадбиркорлик субъектларига 140 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳисобига 88 мингдан кўпроқ иш ўринлари яратилди. Мазкур банкнинг кредити ҳисобига Ғаллаорол туманида яшовчи тадбиркор Эркин Тожиев Лалмикор кўрғонида хизмат кўрсатиш шохобчасини очди. Автомобилларни таъмирлаш устахонаси, фотостудия, ателье, компьютер хизмати, қатор савдо дўконлари, сартарошхона, зооветеринария пункти, чорва учун ем сотиш дўкони каби ўн бешга яқин хизмат турини ўз ичига олган бу мажмуа қишлоқда турмуш маданиятини оширишга, одамларнинг оғирини енгил қилишда асқотаётир. Энг муҳими бу ерда 30 нафарга яқин ёшлар доимий иш билан таъминланган.

Мамлакатимиздаги банкларнинг кредит портфели салмоғи ва таркибида жиддий ўзгаришлар юз берди. Молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган мураккаб шароитда банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини фаол қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётгани ҳар жиҳатдан самарали бўлди. Жорий йил бошигача жами кредит қўйилмалари миқдори 8,5 триллион сўмдан ошди. Банкларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитларининг умумий кредит портфелидаги улуши қарийб 70 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 14 баробар ошди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнида банкларнинг молиявий кўмаги катта бўлаётир. Мисол учун, Жиззах вилоятидаги «Электрошит комплект» масъулияти чекланган жамият «Ипотекабанк»нинг 750 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредити ҳисобига асфальт-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологик линиясини ўрнатди. Натижада йилига 110 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 2009 йилда корхонанинг товар айланмаси 937 миллион сўмга етди. Янги линия туфайли 119 иш ўрни яратилди.

Жорий йил бошигача жами кредит қўйилмалари миқдори 8,5 триллион сўмдан ошди. Банкларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитларининг умумий кредит портфелидаги улуши қарийб 70 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 14 баробар ошди.

«Ипотекабанк»дан маълум қилишларича, мазкур банкнинг Андижон вилояти филиали молиявий кўмаги билан «Ўз Матертеч Ко» қўшма корхонасида Асакадаги автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бошқача айтганда, хориждан келтириладиган маҳсулотни юртимизда ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши туфайли ҳар йили қанча валютани тежаш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш имкони пайдо бўлди, ўнлаб янги иш ўринлари юзага келди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банклари балансига ўтказиш ва уларни қайта тиклаш тадбирлари ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бугунги кунда тижорат банклари балансига ўтказилган 70 иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли сармоядорларга сотилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз иқтисодиётини ортиқча юкдан халос қилиш, бюджет ва иш ҳақи бўйича умумий миқдори бир триллион сўм кредиторлик қарзини узиш, банкрот корхоналар негизида юздан ортиқ янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, қўшимча равишда 17 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконини берди.

Банклар кўмаги билан фаолиятини тиклаётган корхоналар нафақат ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда, балки бошқа ишлаб чиқариш объектларининг ҳам иқтисодий салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Буни Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳамда «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси томонидан Наманган вилоятидаги «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси негизида ташкил этилган «Косонсой тўқимачи» масъулияти чекланган жамият мисолида ҳам кўриш мумкин. Киритилган 210 миллион сўмлик инвестиция ҳисобидан ишламаётган технологик линиялар таъмирдан чиқарилди ва маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи жунли ва ярим жунли маҳсулотлар, гилам ҳамда трикотаж иплари тайёрлаш йўлга қўйилди. Натижада тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналар, хусусан, Поп шаҳридаги «РАУ-Томь» қўшма корхонаси, Марғилон шаҳридаги гилам тўқиш корхоналари сифатли хомашё билан узлуксиз таъминланмоқда.

Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик сердаромад соҳалардир. Айни пайтда ушбу тармоқларнинг изчил ривожланиши халқимизни кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, оилавий тадбиркорликни кенгайтириш ҳамда аҳоли даромадини оширишда катта имконият яратмоқда. Қишлоқларда чорвачилик, паррандачилик билан шуғулланиб, қўшимча даромад топаётган оилалар сони ортаётир. Бунда ихтисослашган фермер хўжаликларига, тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан берилаётган мақсадли ва имтиёзли кредитлар соҳа ривожида муҳим омил бўлаётир. Масалан, «Агробанк» томонидан ўтган йилда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга йўналтирилган беш минг тўрт юздан ортиқ лойиҳа молиялаштирилди. Банкнинг гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини технологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш учун кичик бизнес субъектларига ажратган 7,4 миллиард сўм кредити ҳисобига 1,3 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, инқироз авжга чиққан даврда давлатларнинг иқтисодиётга кенг миқёсда аралашуви биринчи навбатда банк-молия тизими ликвидлигини қўллаб-қувватлашга, ипотека кредитлари соҳасидаги ўпирилишларни бартараф этишга қаратилиб, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига, ишлаб чиқаришга, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларига кам эътибор берилгани вазиятга салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Айни шу омиллардан мамлакатимиз банк тизими етарлича ҳимоялангани иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун муҳим асос бўлади. Бу ўринда банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш орқали уларнинг ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлари кўламини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бермоқда. Мазкур йўналишда банкларга қатор имтиёзлар берилгани ва қулай шарт-шароит яратилгани айни муддаодир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2009 йил 6 апрелда қабул қилинган «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида кейинги икки йилда банклардаги аҳоли омонатларининг ҳажми салкам 4 марта ошди.

Айни пайтда тижорат банкларимиз ва уларнинг тўрт минг етти юздан ортиқ бўлинмаси миллий ҳамда чет эл валютасида чекланмаган миқдорда ва муддатларда тўрт юздан ортиқ омонат турини аҳолига таклиф этмоқда. Таъкидлаш жоиз, омонат ҳисобварақларига қўйилган маблағлар барча турдаги солиқлардан озод қилинган ҳамда фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатларига тўлиқ ҳажмда маблағлар тўланиши кафолатланган. Бу эса мамлакатимиз банкларининг ликвидлиги ошаётгани, тўлов қобилиятининг тобора мустаҳкамланаётганидан дарак беради.

Нуфузли халқаро молия ташкилотларининг баҳолашича, барқарор банклар рўйхатининг юқори ўринларини ривожланаётган мамлакатлар банклари кўпроқ эгалламоқда. Мамлакатимиз банклари ана шундай молия институтлари қаторида турибди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан лицензия берилиб, банк ва микрокредит хизматларини кўрсатаётган молия муассасаларининг сони кўпаймоқда. Бу ҳам аҳолининг банк-молия хизматларига талаби тобора ошиб бораётгани ва мамлакатимиздаги иқтисодий юксалишнинг амалдаги ифодасидир.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Ногиронлик ҳолати

текширилади

АҚШнинг Ҳарбий фахрийлар ишлари бўйича вазирлиги 1991 йили Форс кўрфазида Ироққа қарши олиб борилган «Саҳродаги бўрон» уруши қатнашчиларининг минг нафари бугунги кунда ногирон бўлиб қолганлиги ҳолатини кўриб чиқмоқчи.

Вазирлик раҳбари Эрик Шинсекининг айтишича, агар уларнинг ногиронлиги тасдиқланса, уларга моддий ёрдам белгиланади. 175 мингдан 210 минггача собиқ ҳарбий (бугунги кунда улар фахрийлар) урушнинг турли касалликлари — тошма, бўғим ва мускуллар зирқираши, уйқусизлик ҳамда овқат ҳазм қилиш фаолиятининг бузилганлиги каби хасталикларга дучор бўлган.

Бу касалликлар душман томонидан биологик қурол ишлатилиши эҳтимолига қарши амалга оширилган эмлаш ва бошқа кимёвий токсик моддаларнинг асорати натижасида юзага келган, дейилади «Associated Press» АА хабарида.

Талончилик тўхтамаётгани боис

комендантлик соати узайтирилди

Чили ҳукумати шанба кунги зилзиладан энг кўп зарар кўрган Консепсьон шаҳри ва унинг атрофида якшанба куни жорий қилинган комендантлик соати муддатларини узайтиришга қарор қилди. Чунки дўконларни ва зилзиладан жабр кўрган оилаларни талаш ҳоллари, умуман, тартибсизликлар давом этмоқда.

Шаҳарда тартибни сақлаш учун ҳарбийлар ташланган бўлишига қарамай, одамларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб талончилик содир этишларига чек қўйиб бўлмаяпти. Шу боис энди комендантлик соати аввалгидек 21.00 дан 06.00 гача эмас, балки 20.00 дан 12.00 гача давом этади. Шунингдек, офат ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш учун ҳарбийлар сони 4 мингдан 6,5 минггача оширилади.

Эслатиб ўтамиз: шанбага ўтар кечаси Чилида юз берган 8,8 магнитудага тенг зилзила оқибатида сўнгги маълумотларга қараганда, 723 киши қурбон бўлган. Бу рақам яна ортиши мумкин. Негаки, вайроналар остида ҳалиям жасадлар қолган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Зилзила натижасида, дейилади «El Pais» газетаси ахборотида, 1,5 миллионта уйга шикаст етган, уларнинг 500 минги бутунлай вайрон бўлган. Зилзила оқибатида юзага келган цунами Чилининг 11 шаҳрига ёпирилган. Айни дамда 2 миллионга яқин одам бошпанасиз қолган. Кўрилган иқтисодий зарар бир неча миллиард еврони ташкил этиши мумкин, ҳозирча аниқ ҳисоб-китоб қилинмади.

Хорижда

Такси ҳайдовчилари

иш ташладилар

Грециядa 30 минг нафар такси ҳайдовчиси икки кунлик иш ташлаш эълон қилди. Таксичилар миллий федерацияси президенти Эфтимиос Либеропулоснинг айтишича, ушбу норозилик акциясида ҳайдовчиларнинг деярли барчаси иштирок этмоқда. Улар мамлакат маъмуриятининг инқироздан чиқиш учун қўллаётган молиявий чораларига қарши норозилик билдирмоқдалар.

Мамлакат пойтахтида 400 та автомашина парламент ва Молия вазирлиги томон ҳаракатланиб, марказий кўчаларда транспорт ҳаракатини тўхтатиб қўйди.

Шуни таъкидлаш лозимки, таксичиларнинг бензин солиғи оширилишига (айнан шу чора ёнилғи нархининг 15 фоиз қимматлашувини келтириб чиқарди) ҳамда Молия вазирлигининг ҳайдовчилардан бухгалтерия китоби юритишларини талаб қилишига қарши «огоҳлантирувчи» норозилик акцияси 11 февралда ҳам ўтказилган эди.

Давлат сектори ходимларининг касаба уюшмалари ҳам ҳукуматнинг давлат сектори ходимлари маошлари ва мукофот пулларини қисқартириш бўйича белгилаган чорасига қарши 24 соатлик иш ташлаш эълон қилдилар. ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, бу уларнинг учинчи бор иш ташлашидир.

10 ва 24 февраль кунлари ҳаво йўллари ходимлари иш ташлагани боис авиация алоқаларида узилишлар юз берган эди.

8 ва 9 март кунлари эса солиқ инспекцияси ходимлари ҳам норозилик акциясини уюштирмоқчи. Улар худди шундай акцияни 4 февралда ҳам ўтказишган эди.

Вниманию руководителей предприятий и организаций!

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

ОБЪЯВЛЯЕТ ТРИ САМОСТОЯТЕЛЬНЫХ ТЕНДЕРА

на приобретение следующей специальной автомобильной техники для технического обслуживания ВС:

ТЕНДЕР №1:

— автомобиль для заправки ВС питьевой водой — 2 единицы;

— автомобиль для обслуживания туалетов воздушных судов — 3-4 единицы.

Предполагаемый срок подписания контракта и открытия финансирования — третья декада марта.

Срок поставки техники — не более 120 дней.

ТЕНДЕР №2:

— наземная установка кондиционирования воздуха в ВС на прицепе — 3 единицы.

Предполагаемый срок подписания контракта и открытия финансирования — третья декада марта.

Срок поставки техники не более 150 дней.

Оба тендера будут проводиться с 5 по 25 марта 2010 года.

Заявки на тендерные инструкции и технические требования будут приниматься до 5 марта 2010 г.

Прием тендерных предложений — по 20.03.10 г. включительно.

ТЕНДЕР №3:

— наземная установка питания ВС электрическим током на стоянках (прицепные) — 4 единицы;

— автомобильный трап пассажирский самоходный — 3 единицы.

Предполагаемый срок подписания контракта и открытия финансирования — третья декада апреля.

Срок поставки техники — не более 130 дней.

Тендер будет проводиться с 10 марта по 10 апреля 2010 года.

Заявки на тендерную инструкцию и технические требования будут приниматься до 15 марта 2010 г.

Прием тендерных предложений — по 10.04.10 г. включительно.

На каждый тендер предоставляется своя заявка и отдельный пакет документов согласно инструкции для участника тендера.

Желающих предложить свои услуги просим прислать официальную заявку на получение инструкции и технических требований к технике на
E-mail: **sapernya1950@mail.ru** или по факсу **8-10-99871-140-28-48.**

В заявке просим указать, на продажу какой техники конкретно вы претендуете.
Инструкция и требования будут предоставлены на безвозмездной основе, по электронному адресу указанному вами в заявлении.
Залоги под участие в тендерах не взимаются.
Технику, бывшую в эксплуатации, не предлагать.

Дополнительную информацию можно получить по телефонам: 8-10-99871-140-29-54 или +99890-187-62-19, спросить Семена Аркадьевича.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Аждодлардан мерос қолган ҳунарлар

бугун ёшларимиз турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин олмоқда

Жиззах шаҳридаги вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли «Болалар ижодиёти маркази»да ўқувчилар меҳнати маҳсули бўлган ишланмалар билан танишсангиз, аминмизки, сиз ҳам бунга шубҳа қилмайсиз. Бу даргоҳда фаолият юритаётган 36 турдаги тўгарак машғулотларида қатнашаётган 1920 нафар ўғил-қизларнинг истеъдод қирралари кун сайин сайқал топмоқда.

Доногул ЖЎРАЕВА олган сурат.

— Бизда, — дейди марказ раҳбари ўринбосари Барно Исаева, — ўқувчиларга аждодларимиздан мерос қолган дўппидўзлик, каштачилик, зардўзлик, кулолчилик, нақкошлик, ўймакорлик, бешикчилик, ганчкорлик, пичоқчилик сингари миллий ҳунарларни ўргатишга алоҳида аҳамият берилаяпти. Шу билан бирга, фарзандларимиз фан ва техниканинг сўнгги ютуқларига асосланган инновацион технологиялар, масофадан туриб бошқариш кўникмалари, шаҳарсозлик ва меъморчиликка оид касб-ҳунарларнинг сир-асрорларини ўзлаштиришлари учун ҳам амалий ишлар қилинаяпти.

Марказ шаҳардаги сўлим, болаларнинг келиб-кетишлари учун қулай манзилда жойлашган. Икки қаватли бино замонавий услубда таъмирдан чиқарилган, хоналар озода ва файзли. Бу ерда ўқувчиларнинг ўзлари ёқтирган тўгарак машғулотларида мунтазам иштирок этишлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Кўргазмали қуроллар, замонавий дастгоҳлару ёрдамчи воситалар — ҳаммаси бор. Малакали устоз-мураббийлар ёшларга юқорида айтилган касб-ҳунарлар бўйича билим-кўникмалар беришга астойдил ҳаракат қилишаяпти. Яхшиси, бу тўғрида болаларнинг ўзларидан эшитайлик:

Мафтуна Сатторова, 12-мактаб 8-синф ўқувчиси:

— Уйда бувижоним дўппи тикадилар. Менга ҳам унча-мунча ўргатганлар. У киши айтадиларки, ҳунар ҳар доим керак бўлади ва ҳунари бор киши хор бўлмайди. Бу ерга келиб, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Чуст дўппидўзлик мактаблари тўғрисида тасаввурга эга бўлдим. Машаққатли, лекин жудаям қизиқарли ҳунарнинг ўзига хос жиҳатларини илғаб олишга интилаяпман.

Бобур Тоштемиров, 17-мактаб 6-синф ўқувчиси:

— Дадам билан Самарқанд, Бухоро шаҳарларига боргандик. Тарихий обидаларни, ёғоч ўймакорлигига оид буюмларни кўриб жуда завқландим. Ўзим ёғоч ўймакорлигига қизиқаман. Шунинг учун ҳам шу ҳунарни эгаллашга аҳд қилдим. Айни пайтда устозларим кўмагида иш ўрганяпман. Тўғри, бошида қийин бўлди, аммо анчамунча ишларни ўрганиб олдим.

Мухлиса Исматова, 7-мактаб 5-синф ўқувчиси:

— Зардўзлик ҳунарини эгаллаб, зардўзи кийим-кечаклар тикиш ниятим бор. Ҳозирча устозим Холида Ҳасанова раҳбарлигида бу ҳунарнинг сирларини ўзлаштириб олаяпман. Тенгдошларим Соҳиба, Умида, Маҳбуба, Дилнавозлар билан «Ёш зардўзчилар» тўгараги машғулотларида қатнашаяпмиз. Биз тиккан зардўзи буюмлар шаҳар ҳамда вилоят миқёсидаги кўргазмаларда намойиш этилиб, ижобий баҳоланаётгани ҳавасимизни янада оширмоқда.

Бу авлоднинг орзу-истаклари, қизиқишлари бир олам. Бу табиий, албатта. Бир нарсадан кўнгил хотиржам, йиллар синовидан ўтган анъаналаримизни фарзандларимиз ўрганишаяпти. Демак, келгусида ҳам азалий қадриятларимизни қадрлашади, унга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишади. Энг муҳими, бир ҳунарнинг бошини тутишади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

— Бухоро вилоятида, шу жумладан олис қишлоқларида элликка яқин спорт иншооти, болалар спорти мажмуаси қурилди. Айни пайтда бу масканларда 160 мингдан зиёд ўғил-қиз спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланяпти.

Соғлом авлодни тарбиялаш — бурчимиз



— дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Бухоро вилоят филиали ижрочи директори Исмоил Мирзаев

— Янги мажмуа ишга тушгандан буён оиламиз билан бу ерга келишни канда қилганимиз йўқ, — дейди ғиждувонлик Комил Очилов. — Икки ўғлим ва ўзим спортнинг дзюдо тури билан шуғулланамиз.

Дарҳақиқат, вилоятда йилдан-йилга спорт иншоотлари кўпайиб бормоқда. Ўтган йили жамғарма вилоят филиали маблағи ҳисобига манзилли Дастурга киритилган 9 та мактабда янгидан спорт заллари қурилди. Вобкент ва Пешку туманларида бўш ётган бинолар қайта реконструкция қилинди. Улар яқин кунлар ичида болалар билан ғавжум бўлади. Бухоро шаҳридаги «Семурғ» сузиш ҳавзаси ҳам капитал таъмирдан чиқарилди. Булар учун 2 миллиард 534 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, қишлоқ жойларида ҳомийлар кўмагида 8 та спорт зали ва майдони қайта таъмирланди, 39 та спорт майдони янгидан ташкил этилди. Бу спорт иншоотлари 2884 миллион сўмлик спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминланди.

Қувонарлиси шундаки, вилоятда спортсеварлар сони ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Бунда мусобақаларни жойларда кўпроқ ташкил этиш ва ғолибларни тақдирлаш асосий омил бўлаётир. Бултур ўтказилган 870 та спорт мусобақаларида 183720 нафар бола иштирок этди. Шунинг 73781 нафари қизлардир. Қизлар эндиликда спортнинг бадиий гимнастика, стол тенниси, сузиш, синхрон сузиш, бадминтон, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, шоҳмот-шашка каби турлари билан шуғулланишмоқда.

Киши эътиборини тортадиган яна бир жиҳат. Спорт билан мунтазам шуғулланаётганлар орасидан мамлакатимиз номини дунёга таратаётган умидли спортчилар етишиб чиқмоқда. Бултур 8 нафар бухоролик спортчи турли спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатларида олтин медални қўлга киритган бўлса, шулардан 7 нафарини ёшлар ташкил этади. Бугун бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев, ёшлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича Азизбек Муродов, шашка бўйича Нигина Бозорова, Саидқосим Алиев, қўл жанги бўйича Илҳом Саидов, универсал жанг бўйича Жамол Омонов, муай-тай бўйича Жобир Тошпўлатов, дзюдо бўйича Рашид Собиров, Аббос Мансуров жаҳон спорт шоҳсупаларидан фахрли ўрин эгалладилар. Шу билан бирга, Осиё чемпионатларида 10 та олтин, 9 та кумуш, 14 та бронза, республика ва халқаро мусобақаларда эса 248 та олтин, 700 дан ортиқ кумуш ва бронза медаллари соҳиблари ҳам бухоролик ёшлар бўлишди.

Жорий йилда вилоятда бундай ютуқларни янада кўпайтиришга хизмат қилувчи аниқ режалар дастури ишлаб чиқилган. Бухоро, Когон шаҳарлари, Вобкент туманида биринчи ва иккинчи Тип спорт иншоотлари, 3 та мактаб учун эса спорт зали янгидан бунёд этилади. Ёш авлод тарбиясига масъул бўлган мураббийлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда вилоятда Андижонда ўтказиладиган «Универсиада — 2010» мусобақаларига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Универсиадада қатнашадиган вилоят терма жамоаси таркибига учта олий ўқув юртидан 177 нафар талаба танлаб олинди. Улар спортнинг 15 тури бўйича қизғин машғулотлар билан банд. Бир сўз билан айтганда, вилоятнинг барча спорт мажмуалари болалар ва ўсмирлар билан доим гавжум.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйида Баркамол авлод йилига бағишлаб «Эртамиз эгалари» мавзуида адабий-мусиқий тадбир ўтказилди.

«Эртамиз эгалари»

Унда Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази директори, профессор Ўрозали Тошматов, шоирлар Ямин Қурбон, Нуриддин Аминжонов, «Дурдона» фольклор-этнографик ансамбли бадиий раҳбари Маҳфуза Боймирзаева Баркамол авлод йили мазмун-моҳияти ҳақида гапиришди. Хонқа туманидаги «Жайҳун» халқ қўғирчоқ театри жамоаси ҳамда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти талабалари қизиқарли томошалар кўрсатишди.

Тадбир доирасида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун миллий қўғирчоқлар кўргазмаси, қўғирчоқ спектакли ҳамда концерт дастури намойиш этилиб, болажонларга ташкилотчилар томонидан тайёрланган совғалар улашилди.

(Ўз мухбиримиз)

СПОРТ ↘ СПОРТ

Хабарингиз бор, 2011 йилнинг январида Қатарда футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлади. Кеча ана шу нуфузли мусобақанинг саралаш учрашувлари ўтказилди.

Ўзбекистон — БАА — 0:1

Тошкентда Ўзбекистон миллий терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларини қабул қилди. Саралаш баҳсларининг «С» гуруҳида қатнашаётган бу жамоалар муддатидан илгари финал босқичи йўлланмасини нақд қилишган. Шу боис, кўпчилик бу ўйин шунчаки расмиятчилик учун ўтказилади, жамоалар ўзларининг иккинчи таркиби билан майдонга чиқишади, деган фикрда эдилар.

Аммо учрашувдан олдин ўтган матбуот анжуманида ҳар икки жамоа бош мураббийи ҳам шогирдлари майдонда фақат ғалаба иштиёқида тўп суришларини билдиришди. Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг январида БААда ўтказилган дастлабки ўйинда ҳамюртларимиз Фарҳод Тожиев киритган ягона гол эвазига зафар қучишганди.

Кутилганидек, жавоб учрашуви ҳам шиддатли ва муросасиз кечди. Футболчиларимиз бир неча марта гол киритиш имкониятидан фойдалана олишмади. Айниқса, сўнгги дақиқада С.Жепаров тепган тўп дарвоза устунидан қайтди. Қарши ҳужумга ўтган араб футболчилари ғалаба тўпини киритишди — 0:1.

Энди шу йилнинг 23 апрель куни 2011 йили ўтадиган Осиё кубоги баҳсларининг финал босқичига қуръа ташланади.

Эркин ХОЛБОБО

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси томонидан 2000 йилда Асланов Равшанбек Рустамович номига берилган №212653 рақамли ҳуқуқшунос мутахассислиги дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бузғунчилик

Огоҳлик — давр талаби

Юртимизда инсон ҳуқуқларининг барча асослари қонунлар билан мустаҳкамланган. Жумладан, меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳам. Ўтган йилнинг ўзида 900 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, янги иш ўринлари таклиф этилган меҳнат ярмаркалари ўтказиш анъанага айланди. Шартнома асосида, масалан, биргина Корея Республикасида ўн мингдан зиёд ҳамюртимиз қонуний асосда, саломатлиги, иш ҳақи, муносиб яшаш шароити кафолатланган ҳолда меҳнат қилмоқда. Аммо қонунларни четлаб ўтиб хорижга кетаётган, у ёқда норасмий диний оқимлар таъсирига тушиб жиноят кўчасига кириб қолаётганлар ҳам учраб турибди.

2007 йилнинг ёзида қўқонлик Шерзод Мадаминов таклифи билан Данғара туманилик З.Ғофуров, А.Нурматов, У.Рўзматов ва Х.Рўзматовлар Қозоғистон Республикаси Остона шаҳрига ёлланма ишчи сифатида боради, кейин К.Матқосимов, Л.Якубов каби шахслар билан танишади.

— Мусофирчилик, учрашиб, суҳбатлашиб турайлик, — дейди К.Матқосимов. — Бу ёғи Рамазон ойи экан, «Лайлатул қадр» кечасини бирга қаршилаймиз.

Соддадил йигитлар шу куни Остона шаҳридаги «Афғон жангчилари уюшмаси» номли нодавлат ташкилот биносида тўпланишади. Исломнинг муқаддас саналаридан бирини Оллоҳга тоат-ибодат қилиб кутиш ўрнига К.Матқосимов ўзи олиб келган диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган дискларни қўйиб беради, уларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумига тажовуз қилишга даъват этади. З.Ғофуров, А.Нурматов, У.Рўзматов, Х.Рўзматовлар К.Матқосимовнинг фикрини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Республикасида жиҳод қилиш йўли билан халифалик давлати ўрнатиш кераклиги ҳақида фикр билдиради.

— Биз дастлаб Остонадаги мачитларга бориб, Имом Аъзам мазҳаби қоидалари бўйича намоз ўқирдик, — дейди Ш.Мадаминов ўзининг судга берган кўргазмасида. — Лекин К.Матқосимов ва Л.Якубов билан танишгач, уларнинг даъватига кўра, ваҳобийлик оқими тартибича намоз ўқишни ўргандик.

Баданга кирган зирапчани вақтида олиб ташламасангиз, у йиринглайди. Қалб, эътиқод жароҳатланса-чи? К.Матқосимов ҳамюртлари ишончини қозонгач, уларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумига тажовуз қилишга очиқдан-очиқ даъват этувчи, диний экстремистик, айирмачилик ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, миллий, ирқий, этник адоватлар келтириб чиқарувчи Саид Бурядский, Абдували Мирзаев, Рафиқ Камолов даъвати ёзилган дискларни, Яҳё ибн Шараф ан-Нававийнинг китобларини контрабанда йўли билан Ўзбекистонга олиб кириш учун беради. Итоаткор шогирдлар топшириқни бажарибгина қолмай, бу дискларни олиб келиб Ўзбекистонда тарқатади.

К.Матқосимов ва Л.Якубов ташкил этган «Исломий жиҳод» диний экстремистик ташкилот бўлими — «Жамоат» йиғилишларига Остона шаҳрига ишлаш учун борган яна кўплаб ёшларни жалб этади. Бу йиғилишларда жиҳодга ҳозирлик учун, зарур бўлса, Покистон ва Афғонистонга бориб, тайёргарликдан ўтиш тўғрисида даъват қилишди. Яъни, жангариликка ундашади.

2008 йилнинг ёзида Д.Раҳматуллаев уйига «Жамоат» ташкилоти аъзолари К.Матқосимов, Л.Якубов, Ш.Мадаминов, Ш.Маматқулов, А.Нурматовни таклиф қилиб, компьютеридаги «Туркистон Ислом ҳаракати» халқаро террористик ҳаракат етакчиси Тоҳир Йўлдошнинг «Мурожаат»ини намойиш қилди. У тарқатган маърузада Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциявий тузумини ағдариш ва ҳокимиятни босиб олишга, қонуний равишда сайланган ҳокимият вакилларини четлатишга, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини бузишга очиқдан-очиқ даъват қилинган.

Жиноятчилар бу билан чегаралланмай, Ўзбекистонга ноқонуний олиб келган экстремистик руҳдаги дискларни бошқаларга ҳам намойиш қиладилар. Судда Ш.Маматқулов бу ҳақда шундай кўрсатма берди:

— Остонадан қайтгач, даъватчилардан бири Б.Қамбаров бизни жиҳод қилиш орқали Ўзбекистонда халифалик давлати қуришга ундади. Ҳар бир мусулмон кишининг уйида қуроли ёки қиличи бўлиши керак, деди. Тошкент шаҳрида қурол сотадиган танишлари борлигини айтди. Унинг имомлигида ваҳобийлик тартиби бўйича намоз ўқиб келдик. Биз унга кўр-кўрона эргашган эканмиз. Халқимиз бизни кечирсин...

Ўтган йил 16 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судида ушбу жиноий гуруҳ иши кўриб чиқилди. Ҳар бир судланувчига қонун талаблари асосида ҳимояланиш, жиноятга дахлдорлик даражасини белгилашда гувоҳлар, далиллар келтириш имкони берилди. Судланувчилар тавба-тазарру қилиб, енгиллик сўради ва, албатта, ҳар бири содир этган жиноятига яраша жазо олди.

Судланувчиларнинг аксарияти ўттиз ёшнинг нари-берисида. Бошқача айтганда, айни кучга тўлиб, Ватан равнақи йўлида тенгдошлари қатори ҳалол ва фидойилик билан меҳнат қиладиган паллада. Лекин улар умрининг олтин даври жирканч ғоялар қурбонига айланди. Ўйламай ташланган қадам уларнинг ота-онаси, оиласи, фарзандлари қалбини ҳам тилка-пора қилди.

Тошкент Ислом маданияти маркази деб эътироф этилди. Ислом алломаларининг номлари улуғланиб, уларнинг хокипои мўътабар зиёратгоҳларга айлантирилди. Мамлакатимизда икки мингдан зиёд расмий масжид, Ислом университети, институти, муқаддас динимиз бўйича таълим даргоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Бош қомусимиз орқали виждон ва эътиқод эркинлиги тўла таъминланган. Шундай шароитда ғаламислик қилиб, бузғунчи оқимларга берилиш ота-боболаримиз динини оёқ ости қилиш ва халқимиз тинчлигига раҳна солишдан бошқа нарса эмас.

Бундай жиноятлар кечирилмайди, қонуний жазога, халқ нафратига дучор бўлади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Asror MO'MINOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
16302 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 22.05
Topshirilgan vaqti — 23.30
2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda